Ушбу сонда:

2 ИЧКИ ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ
у қандай бажарилмоқда?

3 ЗАКОВАТ ВА МАҲОРАТ
Очерк

4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 10 август, шанба №128 (1345)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗИГА ХОС УСЛУБДА


Термиз шаҳрида кўркам ва шинам уй-жойлар, маъмурий ва маиший бинолар қураётган «Ишонч» масъулияти чекланган жамият қурувчилари яқинда яна бир кўп қаватли уйни фойдаланишга топширдилар.

48 оилага мўлжалланган мазкур бино Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармаси буюртмасига биноан қурилди. Шу муносабат билан янги уйни топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда вилоят Ички Ишлар бошқармаси раҳбарияти Сариосиё ва Узун туманлари тоғли ҳудудларига суқилиб кирган бир гуруҳ террорчи-экстремистларни яксон қилишда қатнашиб, мардларча ҳалок бўлган Фарҳод Абдуллаев, Ғулом Ҳусановнинг ота-оналарига, шунингдек, ички ишлар идораларининг бошқа ходимларига барча қулайликлари бўлган кўркам ва шинам квартиралар калитини топширди.

(ЎзА).

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ





Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 август куни Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раисининг ўринбосари Питер Пейсни қабул қилди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

- Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация имзоланган ҳамкорлик самарали кечишининг муҳим омили бўлмоқда, - деди Ислом Каримов. - Мазкур ҳужжат икки давлатга ҳам катта масъулият юклайди. Бу ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, у мамлакатларимиз ўртасида нафақат ҳарбий-техникавий, балки иқтисодий, ижтимоий ва бошқа муҳим соҳаларда ҳам алоқаларни кенгайтириб боришни назарда тутади.

Суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик, халқаро терроризмга қарши кураш, икки давлат ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

Ижтимоий ҳимоя

ТАБАРРУК ИНСОНЛАР ОЛДИДА ҲАМИША ҚАРЗДОРМИЗ

«Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастури асосида Республика касаба уюшмалари томонидан хайрли ишлар амалга оширилмоқда

2002 йил Ўзбекистон Президенти томонидан «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Республика касаба уюшмалари ҳам ўзларининг тадбир дастурларини ишлаб чиқиб, изчил амалга оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Бахтимиз, суянган тоғларимиз бўлмиш кекса авлод кишиларини ижтимоий ҳимоялаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш, саломатликлари ҳақида қайғуриш, уларни маданий-маърифий тадбирларга кенг жалб этиш фаолиятимиз бош мезонидир.

Таъкидлаш жоиз, вазирлик ва идоралар, корхона-ю ташкилотларда имзоланган жамоа келишувлари ҳамда шартномаларда меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ёки қарилик гаштини сураётган пенсионерларга қатор имтиёзлар яратилган. Жумладан, моддий, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёлғиз пенсионерларнинг уй-жойларини таъмирлашга кўмаклашиш, кўп йиллик хизматларини қадрлаб, устамалар жорий этиш, қўшимча таътиллар бериш каби омиллар отахону онахонларимиз кўнглини кўтармоқда, уларга руҳ бағишламоқда.

Ўтган олти ой ичида республика бўйича 118 мингдан ортиқ пенсионерларга корхоналар ва касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 600 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди, 2 мингдан зиёд пенсионерларнинг уй-жойи таъмирланди. Бу борада жойлардаги тармоқ қўмиталари ҳам хайрли ишларни амалга ошираяпти. Масалан, Андижон вилояти алоқа тармоғидаги корхоналарда 15 йилдан ортиқ ишлаганларга телефон ва радио учун абонент тўловларини юз фоиз корхона ҳисобидан қоплаш, қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати корхоналарида ишловчи пенсионерларнинг иш вақтини ойлик маош сақланган ҳолда бир соатга қисқартириш каби имтиёзлар яратилди.

Сирдарё вилоятида 105 нафар ёлғиз пенсионернинг уй-жойи ҳашар йўли билан таъмирдан чиқарилди. 5 мингдан зиёд нуронийларга хўжалик моллари, турли совғалар топширилди. Хайрли, ўта савобли ишдан Марказий қўмиталар ҳам четда қолишаётгани йўқ. Жумладан Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Соғлиқни сақлаш, Ёқилғи энергетика, геология-кимё саноати, Таълим ва фан, Енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмиталари кексалар учун иқтисослаштирилган барча санаторийлар, дам олиш уйлари, даволаш муассасаларини зарур товарлар билан таъминлашда ҳомийлик ёрдами кўрсатдилар. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари қошидаги Курортлар бошқармасига қарашли санаторий, дам олиш уйларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни қайта таъмирлаш, янги шифо масканларини қуриш масалаларига эътибор кучайди. Кекса авлод вакиллари саломатлигини кўзлаб жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган янги ўринлар ташкил этилганлиги кўпчиликни қувонтирмоқда. Мисолларга эътиборни қаратайлик. **«Турон» санаторийси очиқ акциядорлик жамиятида 33 ўринли кардиология реабилитация маркази, «Оқтош» санаторийсида респиратор, асма касалликларига чалинганлар учун махсус бино қурилиши бошлаб юборилди. «Бўстон», «Ботаника» сиҳатгоҳларида ҳам 90 ўринга мўлжалланган қарияларни даволаш бўлимлари очилди. Республикамиз Мустақиллигининг 11 йиллик байрами арафасида Хоразм вилоятида «Хонқа» сиҳатгоҳини ишга тушириш режалаштирилган.** Амалдаги дастур асосида сиҳатгоҳлардаги ошхоналарда табаррук инсонлар талаб-истаклари асосида алоҳида ўриндиқлар ташкил этилди. Озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулотлари сероб бўлишига ҳаракат қилинмоқда. **Ўтган олти ой давомида касаба уюшма қўмиталари томонидан ишлаётган пенсионерларга санаторий ва санаторий-профилактрийларда даволанишлари учун 1527 та имтиёзли йўлланма ажратилди.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Курортлар бошқармаси Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан меҳнат фахрийлари, пенсионерларни соғломлаштиришни янада намунали ташкил этиш мақсадида имзоланган шартнома бўйича **ўтган ярим йилликда 415 та йўлланма ажратди. Умуман шу муддат ичида касаба уюшмалари санаторийларида 6326 минг нафар нуроний соғломлаштирилди.**

(Давоми 2-бетда).

Мустақиллик йилларида бутун мамлакатимиз бўйлаб мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Нафақат вилоят, шаҳар ва туманлар, балки энг олис қишлоқларда ҳам замонавий турар-жойлар, корхоналар, саломатлик масканлари, билим даргоҳлари қад ростлаб, кенг ва равон йўллар, кўприклар қурилмоқда. Азим пойтахтимиз жаҳондаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айланмоқда.

БУНЁДКОРЛАР БАЙРАМИ

Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида анъанавий байрам — Қурувчилар кунига бағишлаб ўтказилган кечада ана шу ҳақда гап борди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлагонов очди.

Мамлакатимиз истиқлолининг ўн бир йиллиги байрами арафасида бунёдкорлик ишлари янада кенг қулоч ёйди. Хусусан, Сурхондарёдаги Тўполон ГЭСи, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Чорвоқ ҳудудида жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган янги дам олиш маҳмуи ва бошқа йирик иншоотлар бунёд этилмоқда.

Тадбирда бунёдкорлик ишларида алоҳида ўрнак кўрсатган бир гуруҳ қурувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Таниқли санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти кечага алоҳида файз киритди.

Маросимда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

МАТБУОТ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги олдидан самарқандлик журналистлар ажойиб совға соҳиби бўлишди. Улар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган матбуот марказининг янги биносига эга бўлишди.

- Мазкур марказнинг очилишида вилоят ҳокимлигининг ҳиссаси катта,-деди "Зарафшон" газетаси бош муҳаррири, марказ директори Фармон Тошев "Туркистон-пресс" мухбирига.- Эндиликда журналистлар вилоятдаги ташкилот ва корхоналар раҳбарлари билан тез-тез учрашиб туришлари учун имконият яратилди.

Марказ иш бошлаганига кўп вақт бўлмаган бўлса-да, бу ерда бир қанча учрашув ва тадбирлар ўтказилди. Уларда вилоят сув хўжалиги, пахтачилик, ғаллачилик ҳамда адлия бошқармалари раҳбарлари қатнашишди. Тадбирларда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Ғиждувон туманининг Бухборай қишлоғидаги "Нуъмон" кичик ишлаб чиқариш фирмаси мармардан етти хилдан ортиқ маҳсулот тайёрламоқда.

Хабарлар оқимидан

Корхонада тайёрланган маҳсулотлардан Вобкент, Пешку, Ғиждувон туманлари пахта заводлари, профессионал коллежи бинолари таъмирланди. Шунингдек, Хоразм, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ҳам ҳамкорларимиз бор. "Пахтабанк" нинг маҳаллий бўлими ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 5 миллион сўм кредит ажратди, - деди сўзида давом этиб Б. Нажмиддинов.

ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн бир йиллик байрами арафасида Фарғона вилояти Данғара туманидаги Бўрикум қишлоғи аҳолиси ўзига хос туҳфа олди. 900 дан ортиқ хонадон табиий газ тафтидан баҳраманд бўлди.

Истиқлолгача тумандаги 13 та қишлоққа газ етиб борган бўлса, ҳозир тумандаги 105 та қишлоққа 547,2 километр узунликдаги табиий газ қувурлари тортилди. Айни кунда туман ҳудудидаги 14 мингдан ортиқ хонадон тўлиқ газлаштирилди.

ИШБИЛАРМОНЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Бухоро вилояти кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида Қоракўл тумани қишлоқларида истиқомат қилувчи 552 нафар аҳоли хусусий тадбиркорликни бошлаш ниятида эканини билдирганлиги таъкидланди.

Туманда 400 нафардан ортиқ одам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Улардан 148 нафари банклардан 57,5 миллион сўм кредит олганди. Вилоят мувофиқлаштирувчи кенгаш вакиллари беш кун давомида туманда иш олиб боришди ва шу вақтда яна 76 киши табиркор сифатида рўйхатга олинди. 11 нафар тадбиркорга эса 17,5 миллион сўм кредит ажратилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш маълумотларига кўра туман қишлоқларида сартарошлар, пойафзал, телевизор таъмири бўйича усталар етишмайди. Ёшларни касбларга ўқитиш, уларнинг ишлашлари учун шароит яратиш зарур. Шунинг учун ҳам ишбилармонларнинг бир қисми туманда маиший хизматни ташкил этишга киришишмоқчи.

Масала кўндаланг қўйилади

ИЧИМЛИК СУВИ ТАҚЧИЛ

бунинг сабаблари ва сабоқлари

Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан Сурхондарёда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хусусан улкан маданий-маиший бинолар, «Алпомиш» спорт мажмуаси, жаҳон андозалари талабига жавоб бера оладиган сузиш ҳавзаси, археология музейи ва кўркам гузарлар барпо этилди.

Бироқ, Юртбошимиз халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида кўрсатиб ўтганидек, маиший, тиббий, савдо ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Аҳолини тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш талабдан анча орқада қоляпти. Коммунал хизмат соҳасида эса ислоҳотлар суст кечмоқда.

Воҳа ҳудудидан Амударё ва Сурхондарё оқиб ўтаётганлиги, «Сурхон» суньий денгизи об-ҳаётга тўлганлигига қарамасдан ичимлик суви таъминотида қийинчиликлар юз бераяпти. Ҳисоб-китобларга қараганда воҳа аҳолисининг 76 фоизи сифатли ичимлик суви билан таъминланган, холос. Бу соҳада Денов, Жарқўрғон туманлари яхши натижаларга эришганига қарамай, Бандихон, Бойсун, Шеробод-да ичимлик суви таъминоти бор-йўғи 51-57 фоизни ташкил этади.

Мамлакатимиз жанубининг ҳаво ҳарорати ёзда иссиқ бўлади. Аммо вилоятда ҳар бир киши ҳисобига санитария талабидан кам миқдорда сув етказиб бериляпти. Аҳоли зич яшайдиган Термиз шаҳрига бир кеча-кундузда белгиланганидан кам — 16 минг кубометр сув тарқатиляпти. Туманларда ҳам аҳвол яхши эмас.

Мавжуд 1675,1 километр ичимлик суви узатиш қувурларининг кўпчилиги эскириб кетган. Термизда 3,8 километр оби ҳаёт тармоғи қурилганлиги ҳисобга олинмаса, туманларда сезиларли иш қилингани йўқ. Боз устига вилоят бўйича 42.6 километр, Термиз ва Денов туманларида 6.2 километр сув тармоқлари умуман яроқсиз бўлиб қолган.

Вилоят ҳокимининг 2002 йил 8 июндаги қарори билан «Сув оқава» корхонаси тугатилиб, ҳудудий коммунал фойдаланиш бошқармаси таркибига қўшилди. Шунга қарамай ишда сезиларли ўзгариш бўлгани йўқ.

Фуқароларнинг ичимлик сувидан фойдаланганлик учун тўловларидан қарзи кўпайиб бормоқда. Бу миқдор воҳа бўйича 243 миллион 31 минг сўмни ташкил этади. Термиз шаҳрида 12 миллион 45 минг, Шерободда 11 миллион 671 минг, Узун туманида 7 миллион 700 минг сўм тўловлар йиғиб олинмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги «Уй-жой фондини сув ва газ ҳисобга олиш мосламалари билан таъминлаш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши ниҳоятда қониқарсиз. Ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ 2002 йилда 30 минг, 2005 йилга келиб эса 34800, жами 148 минг 800 та сув ўлчаш асбоблари ўрнатилиши керак. Ҳозир эса 1029 та ўлчагичлар қўйилиб, топшириқ бор-йўғи 0.9 фоизга адо этилди. Мавжуд кўп қаватли турар жойларнинг атиги 293 тасига сув ўлчаш асбоблари ўрнатилиб, режа 0.3 фоизга бажарилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Бирлашма раҳбари Эрсоат Абдишукуров хизмат сафарида бўлганлиги учун бошлиқ ўринбосари Абдукарим Худойназаров билан учрашишга келишилган эди. Бошлиқ ўринбосари газетачи билан учрашишни лозим топмади.

Билсак, муовин ўзини панага олганлигининг сабаблари бор экан. Жорий йилнинг 1 июлига қадар иш ҳақидан қарздорлик 2,5 миллион сўмдан ошиб кетибди. Маъмурий идора ходимлари ҳам анчадан бери маошларини олишмабди.

Маош вақтида берилмаганлиги учун кадрлар қўнимсизлиги юзага келмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойларида 904 киши ишдан бўшаб кетган.

Бундай аҳволдан вилоят касаба уюшма кенгаши раҳбарияти ҳам тегишли хулоса чиқармаган кўринади. Боиси, қўмита таркибига кирувчи маҳаллий саноат уюшмасида иш ҳақидан қарздорлик 21 миллион, «Сурхондарёгаз» бошқармасида 38 миллион сўмни ташкил этган бир шароитда касаба уюшмалари «жим» туриши ғоятда ажабланарли ҳол.

ЁЛҚИН.

ТАБАРРУК ИНСОНЛАР ОЛДИДА

ҳамиша қарздормиз

(Боши 1-бетда)

Республикамиз ҳукумати, хусусан Президентимиз Оролбўйи аҳолисига алоҳида меҳрибонлик кўрсатиб келмоқда. Биз ҳам бир ёндан ҳаракат қиляпмиз. Ярим йил ичида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидан 361 нафар отахону онахонлар санаторийларда даволандилар. Бу борада вилоятларда ҳам тилга олса арзигулик ишлар амалга оширилмоқда. Фарғона вилоятидаги 150 нафар меҳнат фахрийси «Чимён», Навоий вилоятидан эса 160 га яқин пенсионер «Бўстон», «Ибн Сино», «Ботаника» санаторийларида бепул ва имтиёзли равишда дам олдирилди. Янги ташаббуслар, ҳаракатлар юзага келмоқда. Қатор вилоятларда кам таъминланган пенсионерларга республика матбуот нашрлари жумладан «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарига бепул обуна қилиш йўлга қўйилди.

Ёшлар қалбига эзгу анъаналарни сингдириш, қарияларни эъзозлаш мақсадида «Уч авлод» учрашувлари, «Устоз ва шогирд», «Кекса авлод тажрибаси», «Ибратли ҳаёт»каби мавзуларда суҳбатлар, кечалар уюштириш одат тусига кирган. Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан ишлаётган пенсионерлар ўртасида «Алпомиш», «Барчиной» тест синовлари, Давлат муассасалари ва жамоат ҳизмати ходимлари Паркент тумани қўмитаси томонидан «Фахрийлар — фахримиз» шиори остида ўтказилган мини-футбол мусобақалари, Ёнилғи-энергетика, геология-кимё саноати ходимлари касаба уюшма тармоқларида кураш бўйича турнир ўтказилганлиги барчага манзур бўлди.

Инсон айниқса қариганда иззат-ҳурматда, роҳат-фароғатда бўлиши керак. Бунга эришиш учун энг нуфузли жамоат ташкилоти бўлмиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, унинг ҳаёт қайнаган жойда фаолият юритаётган тармоқлари вакиллари қўлларидан келган барча ишни амалга ошираверадилар.

А.СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилганди

ИЧКИ ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ

у қандай бажарилмоқда?

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида контрактация ҳамда, ички хўжалик шартномаларининг бажарилиши хусусида ҳам тўхталиниб, бу борада ҳали ечимини кутаётган муаммолар борлиги алоҳида уқтирилди.

«Ғалаба» кооператив ширкат хўжалиги Касби туманидаги кўп тармоқли хўжаликлардан саналади. Бу ерда олиб борилаётган ишлар талаб даражасида дейиш мумкин. Деҳқонларнинг астойдил меҳнатлари ўз натижасини бераётир. Лекин ҳамма нарса жойидами? Ғалла ва пахта, қишлоқ хўжалигининг бошқа тур экинларидан мўл ҳосил олиш мақсадида фаолият кўрсатаётган 193 оилавий пудратчи яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдалана олаяптими?

Биз юқоридаги саволга жавоб топиш мақсадида хўжаликда бўлиб, бу соҳада қилиниши керак бўлган ишлар ҳали анчагина эканлигини ҳис этдик.

— Ғаллачилик билан 62та оилавий пудратчи фаолият кўрсатмоқда, -дейди хўжалик раҳбари Турсунпўлат Шоймуродов. -Уларнинг деярли аксарияти ички хўжалик шартнома шартларини бажаришган бўлсада, бир хил шароитда, ери-суви туташ бўла туриб айримлар бу ишни эплай олишмади.

Абдурахмон Аҳадов бошлиқ оилавий пудратчилар 13 гектар майдонга «Умманка» навли буғдой уруғи экиб, шартномада кўрсатилган 62,4 тонна ўрнига 71.1 тонна ҳосил етиштирдилар. Режадан ортиқ етиштирилган ҳосилнинг 100 фоизи пудрат аъзоларига берилди. Ҳар гектар майдондан олинган дон 58 центнердан тўғри келиб, бу соҳадаги режа 120,4 фоизга уддаланди. Пудратчи оиласига кирган 12.7 тонна дон уларнинг турмуш шароитини яхшилашга кенг имкон беради, албатта. Жами 1 миллион сўмдан ортиқ даромад қилинди. Жўракул Эшонқулов бошлиқ оилавий пудратчилар ҳам кутилганидан зиёд ҳосил олишди. 72 ўрнига 82,5 тонна ҳосил саранжомланиб, бу соҳадаги шартномавий режа 114 фоизга уддаланди. 840 минг сўм даромад кўрган оилавий пудратчилар 10,5 тонна дон олдилар. Кўриниб турибдики, ҳар бир пудратчи омборига камида 4,5-5 тоннадан дон кирмоқда. Қозон ҳам, чўмич ҳам мой деб шунга айтсалар керак-да.

Бу танганинг бир томони. Унинг иккинчи томони ҳам бор. Ички хўжалик шартномаси шартларини бажара олмай юзлари шувут бўлган пудратчилар эса, афсуски, ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўришди. Масалан, Абдурасул Хонниёзов бошлиқ оилавий пудратчиларни олайлик. 21 гектар майдонга уруғ қадаган пудратчилар шартнома бўйича 100,8 тонна дон етиштиришлари лозим эди. Бироқ бу кўрсаткич 55,5 тоннани ташкил этиб шартнома режаси ярмига бажарилди, холос. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 540 минг сўм сарфланган ортиқча ҳаражат пудратчи зиммасига тушмоқда. Сафарали Бобоқулов бошлиқ оилавий пудратчилар ҳам ички хўжалик шартномаларини бажара олмадилар. 65,1 тонна дон етиштирилиб, шартнома режаси 54,2 фоизда қолиб кетди. Шунингдек, Нажим Маҳманазаров, Илҳом Даминов сингари оилавий пудратчилар ҳам шартнома мажбуриятларини бажара олишмади.

Нажим Маҳманазаров бошлиқ пудратчилар ҳар гектар майдондан 25,5 центнердан, Илҳом Даминов етакчилигидаги пудратчилар 27,4 центнердан дон олдилар. Кўриниб турибдики, шартномадагидан анча кам етиштирилган ҳосил нафақат пудратчилар, балки хўжалик иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

— Ички хўжалик шартнома шартларини бажармаган оилавий пудратчиларнинг биргина ғаллачиликдан зарари 2 миллион сўмдан ошиб кетди. Етти йил муддатга тузилган шартномани тегишли қонунлар асосида бекор қилиниб, етказилган зарар улардан ундириб олинди.

Дарвоқе, ҳар бир оилавий пудратчи билан хўжалик маъмурияти ўртасида тузилган ички хўжалик шартномасида кўрсатилганидек, «Ғалла майдонини бегона ўтга бостириб қўйганда, берилган сувдан нотўғри фойдаланиши натижасида кўзланган ҳосил олинмаслиги аниқланганда, ортиқча маблағ сарфланганида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига асосан чора кўрилади».

Яқинда хўжаликда ғалла ўрим-йиғими натижаларига бағишланган йиғилишда барча масалалар атрофлича таҳлил қилинди. Вакиллар йиғилиши қарори ҳамда хўжалик касаба уюшма қўмитаси розилиги билан ички хўжалик шартнома шартларини бажармаган оилавий пудратчиларга нисбатан тегишли тартибда чоралар қўлланилди. Улар ўртасидаги шартнома шартлари муддатидан олдин бекор қилиниб, келтирилган харажатни қоплаш шарти билан улардан ерлар олиниб, бошқаларга берилди. Умуман олганда хўжалик ғаллакорлари 1350 гектар майдонда 4532 тонна ўрнига 6075 тонна дон ишлаб чиқариб, давлат дон сотиш режаси 115,6 фоизга уддалангани таъкидлаб ўтилди. Агар бир қатор оилавий пудратчилар сувдан, минерал ва маҳаллий ўғитдан омилкорлик билан фойдаланганда, масъулиятни тўлиқ хис этиб ишлаганларида бу кўрсатгич янада юқори бўлиши тайин эди.

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишда айтган қуйидаги сўзлари беихтиёр ёдимизга тушади: «... Ҳосилнинг тақдири, яъни биз керакли миқдордаги ғаллага, пахтага, бошқа хўжалик маҳсулотларига эга бўламизми, йўқми бу кўрсаткич янада юқори бўлиши бу масала айнан шу шартномаларнинг бажарилишига бир томондан хўжалик-ширкат, иккинчи томондан эса пудратчи ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни тўлиқ адо этишга боғлиқ эканини унутмаслигимиз керак».

Ҳали олдинда пахта йиғим-терим мавсуми турибди. Зеро, пахтачилик соҳасида ишлаётган оилавий пудратчилар ғаллачиликда йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, шартнома шартларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашлари учун бор имкониятлардан оқилона фойдаланмоқлари зарур.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

ТАДБИРКОРЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИБ

Тадбиркорлар учун зарур маҳсулотлар ва хомашёнинг ўз вақтида етказиб берилиши кичик ва ўрта бизнес ривожланишининг муҳим омилларидан бири саналади. Бу борада Республика Товар-хомашё биржаси /ЎзРТХБ/ катта аҳамиятга эга.

Июл ойида ЎзРТХБда кичик ва ўрта бизнес корхоналарига моддий-хомашё ресурсларини сотиш бўйича учта ихтисослашган кимошди савдоси бўлиб ўтди. Биржа матбуот маркази хабар қилишича, умумий қиймати 49 миллион сўмдан ортиқ жаъми 167 тонна тақчил маҳсулот сотилди.

Турли ўлчамдаги газ қувурлари, даврий кесим, бурчакли металларга талаб катта бўлди. Шунингдек, кимошди савдоси иштирокчиларига озиқ-овқат тунукаси, рухланган тунука, ёғоч материаллари, мамлакатимиз ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг бошқа маҳсулотлари таклиф этилди.

Сўнгги вақтда талаб катта бўлган металл, қурилиш материаллари, ёғоч материалларини кимошди савдоларида сотиш кичик ва ўрта бизнес корхоналарини бундай зарур маҳсулотлар билан таъминлашнинг мақбул шакли бўлиб қолди. Биржанинг барча ҳудудий бўлимларида кимошди савдоларини ўтказиш жадваллари ишлаб чиқилган.

Июл ойи охирида ихтисослашган кимошди савдоларини ўтказиш ташаббускорлари - Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, «Ўзулгуржисавдо» акционерлик компанияси ва Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси йиғилиш ўтказди. Унда бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш масалалари ва муаммолари муҳокама этилди.

(ЎзА).

ЯНА БИТТАГА ОШДИ

Қуйичирчиқ туманининг «Уяли» қишлоғидаги савдо дўконлари сони яна биттага кўпаядиган бўлди.

«Дўстлик» хўжалик ҳисобидаги чакана-савдо корхонаси томонидан барпо этилаётган мазкур дўкон қурилиши учун бир ярим миллион сўм маблағ ажратилди. Ҳозир бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Турли хил истеъмол моллари сотишга мўлжалланган мазкур савдо шаҳобчаси истиқлол байрами арафасида фойдаланишга топширилди.

ЎҚУВЧИЛАРГА БЕПУЛ ДАРСЛИКЛАР

Касби туманидаги «Ғалаба» хўжалиги бир неча йилдан буён қишлоқ хўжалигидан яхшигина даромад қилиб келмоқда. Шу боис хўжалик раҳбарияти аъзолари билан маслаҳатлашиб, ўз ҳудудида жойлашган учта умумтаълим мактаби ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш учун 800 минг сўм пул ажратди.

Шуни таъкидлаш лозимки, хўжалик маъмурияти бунгача ҳар учала мактабга бир гектардан ер ажратиб берган эди. Деҳқончиликдан тушган маблағ мазкур илм масканлари эҳтиёжлари учун сарфланмоқда.

НАМАНГАНДА БОЛАЛАР ШИФОХОНАСИ

Наманган шаҳар ҳокимининг қарори билан яна бир хайрли ишга қўл урилди. «Намангангўштсут» ҳиссадорлик жамиятининг «Оромгоҳ» соғломлаштириш маскани шаҳар болалар силга қарши кураш диспансери ихтиёрига берилди. Бинони 80 ўринли диспансерга мослаштириш учун лойиҳа режалари тузилди.

Яқин келажакда шифохона ҳудуди кенгайтирилиб, кенг кўламда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади. Бундан ташқари, бу ерда спорт майдончаси, ўқув, рейтинг хоналари ҳам қурилиши мўлжалланган. Хуллас, бу ерда болаларнинг даволаниб, саломатликларини тиклаш учун барча қулайликлар яратилади.

ЎзА ва «Ишонч» мухбирлари.





«Қувасой чинниси» ҳиссадорлик жамияти ўзининг дастлабки маҳсулотини 1977 йил 3 декабрдан бошлаб чиқара бошлаган эди. Бу ерда кундалик маиший мақсадларга мўлжалланган чинни буюмлар — пиёла, лаган, чойнак ҳамда тақсимчалар ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Корхонанинг, айниқса, «Байрам», «Сўғдиёна», «Шарқ фантазияси» каби чинни тўпламлари, «Гулноз», «Орзу» чойнаклари ўзининг сержило ва қулайлиги, миллий нақшлар билан безатилганлиги билан довруғ таратмоқда.

Суратларда: мусаввирлар Ирода Ҳайитова, Назокатхон Одинаева ва Сафаргул Досопова.

Муқумжон ҚОДИРОВ, (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли бор

БОЗОР ШАРОИТИДА ТАШАББУСКОР ЮТАДИ

Тарихга бир назар ташлайлик. Қадимда шарқу ғарбга борадиган савдо-тижорат карвонлари Бухоро орқали ўтган. Буюк Ипак йўлида жойлашган бу шаҳарнинг довруғи дунёга нафақат илму зиё орқали, балки, қўли гул ҳунармандлари тайёрлаган маҳсулотлар билан ҳам донг таратган. Хорижий мамлакатлар бозорларида шойи тўқувчиларимиз, зардўзларимиз тайёрлаган маҳсулотлар рақобатга бемалол бардош берган.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ислоҳотлар, бозор муносабатлари янгича усуллар билан ишлашни тақозо этмоқда. Шу боис ҳурматли Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида, биз бугун ўз кучимиз, ўз меҳнатимиз билан амалга ошираётган ишларга, халқимизнинг бунёдкорлик фаолиятига ҳурмат билан қарамай, аввало, мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантирмай, унга кўмак бермасдан туриб, иқтисодий бақувват мамлакатлар қаторига кира олишимиз, одамларимизнинг фаровон ва муносиб даражада ҳаёт кечиришини таъминлашимиз жуда қийин бўлади, деб бежиз таъкидламаган эдилар.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, истиқлол шарофати билан Бухорода, хусусан, енгил саноатни ривожлантириш учун кенг имкониятлар вужудга келди. Йирик саноат корхонасига айланган «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти фаолиятида ҳам катта ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй берди. Вилоят бюджети тушумларининг 30 фоизини таъминлаётган меҳнат жамоаси юксалишнинг ойдин йўлига чиқиб олди, хорижий инвестицияларни дадиллик билан жалб этиб, катта корхонага айланди.

Рақамлар тараққиётнинг кўзгуси, дейдилар. Биргина кейинги беш йилда тайёрланган халқ истеъмол моллари 52 миллиард 700 миллион сўмни ташкил этди. Олинган соф фойда 6 миллиард 451 миллион сўмдан зиёд бўлди.

Ишлаб чиқаришга хорижий сармояларни олиб кириш жараёнини таҳлил қилиб кўрайлик. Қоракўл ип-йигирув фабрикаси негизида 3800 тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Қоракўлтекс» Ўзбекистон—Америка, Вобкентда «Мидакес» Ўзбекистон—Россия, Олот тўқув фабрикасида йилига 3 миллион 566 минг погонметр энли ва 10 миллион 700 минг погонметр энсиз газлама ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар қурилди. Фиждувон, Ромитон, Жондор ва бошқа жойларда ҳам қўшма корхоналар яратиш режалари тузилмоқда.

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмасининг 2005 йилгача Бухоро вилояти бўйича тузилган дастурида технологик жараёнларни янгилаш ва чет эл сармояларини олиб кириш кўзда тутилган. Пахтани қайта ишлашни 30000 тоннадан 75000 тоннага кўтариш белгиланган. Бу ҳолат ҳозиргига нисбатан 2,5 баравар зиёд демакдир.

Сифатли маҳсулотларни моҳир қўллар яратади, деган нақл бор халқимизда. «Бухоротекс» тизимида ўзининг фидойилиги билан элюрт ҳурматига сазовор бўлган ишлаб чиқариш илғорлари кўплаб топилади. Моҳир йигирувчи, М.Раҳматова, илғор тўқувчи «Халқлар дўстлиги» ордени нишондори Ш.Тошева, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси М.Туева, уста Х.Жўраев, цех бошлиғи Г.Очилова, йигирувчи О.Хонова кабилар ҳамиша юксак меҳнат самараларига эришиб келмоқдалар.

Ҳиссадорлик жамияти кенгашининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида олти ойлик иш якунлари кўриб чиқилди ҳамда янги вазифалар белгиланди. Шу боис, ҳиссадорлик жамияти раиси Шукрулло Давиров галдаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Чунки, эришилган ютуқлар чакки эмас эди. Ярим йилликда 11588 тонна ип-калава, 45855 погонметр хом сурф, 60168 погонметр тайёр газлама ишлаб чиқарилди. Олинган соф фойда ҳам ҳаммани қувонтирди. Экспорт кўрсаткичи ўсиб, 5000 минг АҚШ долларига тенг бўлди.

Ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг яхшиланишида яна бир воситанинг ўз ўрни бор. Жамият бошқаруви билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси ижобий натижалар бермоқда.

Яхши ишлаган, яхши яшайди, дейдилар. Корхонадаги маданий-маиший масалалар ҳам кишининг ҳавасини келтиради. Ходимларга маошлар ва нафақалар вақтида бериб бориляпти. Жамият қошида ишчиларни умумий овқатлантириш бўлими ташкил этилганлиги ҳам таҳсинга сазовор бўлди. Эндиликда ишчилар бир маҳал имтиёзли нархда овқатланиш имкониятига эга бўлдилар. Корхона ҳузурида 100 ўринли санаторий-профилактарий ишлаб турибди. Бу ерга йўлланмалар 15 фоиз арзонлаштирилган нархларда берилади.

Жамоанинг яна бир ҳайрли иши бор. Касаба уюшма қўмитаси шаҳардаги 12-, 30-, 32-умумтаълим мактаблари аълочи ўқувчиларининг ҳар бирига стипендия жорий этди. Китобларга бой кутубхона, савдо ва тиббиёт шоҳобчалари, дорихона, тиш касалликлари хонаси ҳам меҳнаткашлар хизматида.

Қисқа қилиб айтганда, ҳиссадорлик жамиятининг бешта фабрикаси ва бўлинмаларида 10689 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг кўплари Руминия, Италия, Франция, Бельгия каби хорижий мамлакатларда малакаларини ошириб қайтганлар. Ўзларининг бутун куч, ақл-заковат ва ғайрат-шижоатларини ишга солаётган жамоанинг мамлакатимиз енгил саноати тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётганлиги таҳсинга сазовордир.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

НОНКЎРЛИК

Ўзбекистон Президентининг «Амнистия тўғрисида»ги Фармони юксак даражадаги одамийлик, бағрикенглик тимсолидир. Ушбу Фармон шарофати ила жазони ўташ жойларидан муддатидан илгари озод этилган кўпгина кишилар тегишли хулосалар чиқариб, ҳалол меҳнат қилишга бел боғладилар.

Эсиз умр!

Республика вазирлиги ликнинг олдини бошқармаси ри ҳамда жойфилактика инссобиқ маҳкумларни ишга жойлаштириш, улар ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун тарбиявий-ташкилий, тарғибот ишларини намунали олиб боришга ҳаракат қилишмоқда. Жумладан, 18467 кишига паспорт олишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Ички ишлар ҳуқуқбузарлик олиш Бош мутасаддиларидаги пропекторлари

Бахтга қарши ўзларига билдирилган ишонч, одамийликни қадрлай олмаган, аччиқ сабоқлардан тўғри хулоса чиқармаган баъзи кимсалар ҳамон қинғир ишларга қўл уриб, нонкўрлик қилмоқдалар. Шуҳрат Нўъмонов Андижон шаҳар Чўлпон кўчасида яшайди. Ишлайман деса яхшигина ҳунари бор. Бироқ, ярамас кимсалар таъсирига берилганлиги, бекорчиликни ўзига одат қилганлиги панд берди. Боз устига унга тўғри маслаҳат бериб, бахтли инсонлардек яшашга даъват этадиган бир жонкуяр топилмади. Лоқайдлик, йигит тақдирига бефарқлик оқибатида у кўнглига келган ишга қўл ура бошлади. Бир куни Қўшариқ даҳасидаги бозорчада тенгдоши Улуғбек Охунжонов билан худа-беҳудага жанжаллашиб, дўстига тан жароҳати етказди.

Шаҳрихон шаҳрида яшовчи Ўткир Холмирзаев билан суҳбатлашган киши у ҳақда ёмон фикрга бормайди. Бироқ одам оласи ичида деганларидек, яқингинада қамоқдан озод бўлиб келган бу кимса эски одатини давом эттирди. Бўзлик А.Хожибоевнинг йўлини пойлаб, унинг 31 минг сўм пулини шилиб олди. Ажабланарлиси шуки, милиция ходимлари у билан суҳбатлашганида пинагини бузмас, қилган ишидан заррача пушаймон қилмасди.

Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи Игорь Шкандред ҳам амнистия туфайли суд залидан озод этилганди. Бироқ мурувватни оқлай олмади. Орадан ҳафта ўтмай кинотеатр ёнида жанжал уюштириб, фуқаро Владислав Капиянга пичоқ билан ташланди. Натижада бир бегуноҳ инсон касалхонага етмасдан оламдан кўз юмди.

Ўйлаб қоласан киши, табиатнинг олий санъати инсон бу ёруғ жаҳонга яшаш, яратиш, ўзидан яхши ном қолдириш учун келади. Эзгу ниятига етишиш учун умрбўйи изланади, тўсиқларни енгиб ўтиб, юксак натижаларга эришади. Юқорида зикр этилган бахтнинг, ҳаётнинг, одамийликнинг қадрига етмаган, азиз умрини бесамар ўтказаётган кимсалар қалбида наҳотки заррача эзгулик бўлмаса. Шу нарса аниқки, улар қачонлардир ўз қора қилмишларидан уялиб, афсус надомат чекадилар. Бироқ ўшанда жуда кеч бўлади.

Ш.РЎЗИЕВ,
ИИВ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси ходими.

Саволларингизга ТДЮИнинг Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси Гулноза САТТОРОВА жавоб беради

САВОЛ: ўқитувчиларнинг меҳнат таътилига ҳақ тўлашда ўртача иш ҳақи қандай ҳисобланади?

Э.АБДУАЗИЗОВ ва бир гуруҳ ўқитувчилар, Пахтакор тумани.

ЖАВОБ: ходимга тегишли бўлган ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби (шу жумладан таътил вақти учун ҳақ тўлашда) Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан амалга оширилади. Ушбу қарор билан тасдиқланган «Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби»нинг 1-бандига кўра, таътиллар вақтига ҳақ тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш кунидаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчиларининг тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозими маошидан ошган миқдорини ўндан бирга оширган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Уларга ишбай асосида ишлаб чиқилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақига қўшимча ҳақлар ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловлар киради.

Кўриб турибсизки, меҳнат таътили учун ҳақ тўлашда ходимларнинг йил давомидаги эмас, охирги марта олган иш ҳақидан (барча устама мукофотлар ва қўшимча ҳақлар билан) ҳисобланади.

Сиз назарда тутаётган 2001 йил сентябрдан 2002 йил майгача бўлган иш ҳақи фақат ортиқча бажарилган соатлар учун (йил охиридаги натижаларга кўра) қўшимча ҳақ тўлаш учун ҳисобга олинади. У ҳам махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчиларига тегишли.

САВОЛ: муассасанинг асосий ишчиси ҳисобланган бўлими ходими ўрнига, яъни унинг вақтинча бола парвариши таътили давридан то ишга тушгунгача бўлган давр учун қабул қилинган бошқа ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиблари қандай?

Л.СОНИЕВА, Тошкент шаҳар Болалар клиник шифохонаси.

ЖАВОБ: бундай шартномалар муддатли меҳнат шартномалари қаторига киради ва уларни бекор қилиш асослари ва тартиби МКнинг 105- моддасида белгилаб қўйилган. Ушбу моддага кўра, муддатли меҳнат шартномаси муддати тугаши муносабати билан бекор қилинади. Мазкур ҳолатда

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ



меҳнат шартномасидаги муддатли ишга қабул қилиш шартлари, яъни «асосий ходим бола парвариши таътили давридан то ишга тушгунча». МКнинг 105-моддаси 3-қисмига мувофиқ иш жойи (лавозими) сақланиши лозим бўлган ходимнинг ишда бўлмаган вақтига мўлжаллаб тузилган меҳнат шартномаси шу ходим ишга қайтган кундан эътиборан бекор қилинади. Бошқача қилиб айтганда, мазкур ходим ишга чиққанлиги шартнома муддатининг ўтганлигини англатади.

Бундай шартномани муддат тугаганидан кейин бекор қилиш учун олдиндан тарафларни хабардор қилиш талаб қилинмайди ва ишдан бўшатиш нафақаси тўланмайди.

САВОЛ: болани парваришлаш учун бериладиган 2 йиллик таътил даврида бўлган ходим газ ва электр таъминоти бўйича белгиланган имтиёзлардан фойдалана олмайдими?

Д.РАҲИМБЕРДИЕВА, Булоқбоши тумани.

ЖАВОБ: бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун бериладиган таътил ижтимоий таътиллар доирасига кириб, ходимларнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи МКнинг 149-моддасида белгилаб қўйилган. Бундай таътилдан фойдаланиш меҳнат шартномасини бекор қилиш дегани эмас.

МКнинг 234-моддасида кўрсатилгандек, болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллар меҳнат стажига, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади. Бу дегани, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги ПФ 2832- сонли «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги Фармони билан белгиланган уй-жой коммунал хизматларига (буларга газ ва электр энергия) ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлар тўла тўкис тадбиқ этилади.

САВОЛ: укамнинг болаларини фарзандликка олмоқчиман. Буни амалга ошириш учун менга қандай ҳужжатлар керак бўлади?

И.БЕКЖОНОВ, Хазорасп тумани.

ЖАВОБ: Оила кодексининг 151-моддасида фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларинигина кўзлаб йўл қўйилади. «Бола манфаатлари» деганда биринчи навбатда, унинг жисмоний, руҳий ва маънавий ривожланиши учун тўлақонли шароит яратилиши тушунилади.

Болани фарзандликка бериш ҳақидаги қарорни унинг манфаатларини эътиборга олган ҳолда ваколатли орган (ҳоким) қабул қилади. Агар бир пайтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ бола фарзандликка олинадиган бўлса, бу ҳолатда, ҳар бир бола ҳақида алоҳида-алоҳида қарор чиқарилади. Оила кодексининг 152-моддаси 2-қисмига кўра, фарзандликка олиш, фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органининг масалани ҳар томонлама ўрганиб берган хулосасига асосан қарор чиқарилади.

Вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тариқасида воситалик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш, фарзандликка олинадиган болалар яшаётган жойдаги халқ таълим бўлимлари зиммасига юклатилган.

«СОҲИЛ»НИНГ ФАЙЗИ ЎЗГАЧА

Косонсой Наманган вилоятининг сўлим туманларидан. Шунданми, тоғ ён бағирларига жойлашган дам олиш оромгоҳлари анчагина. Болаларнинг «Соҳил» дам олиш маскани Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Наманган вилоят бош бошқармасига қарашли бўлиб, замонавий биноларда 160 нафар болалар бир йўла хордиқ чиқаришлари мумкин.

Ёз соз ўтмоқда

Бош тарбиячи Алижон Абдуллажонов билан сўлим оромгоҳ худудини айланамиз. Ошхонада ҳамма нарса муҳайё. Бош ошпаз Одилхон Мирзаев, унинг ёрдамчилари Хамиджон Турсунов, Довутхон Усмоновларнинг қўли-қўлига тегмайди.

«Камалак», «Саломатлик», «Учқун», «Офтобча» деб номланган гуруҳларнинг бири футбол, иккинчиси стол тенниси майдонида. Бир гуруҳ тарбиячи ва етакчилар билан она табиат тўғрисида суҳбат қилаётган бўлса, бошқаси эндигина саёҳатдан қайтган. Дарвоқе, бу ердаги «Муг» қалъасини кўздан кечириш «Меҳнат шуҳрати» уй музейи бориб кўриш табиат қўйнида дам олиш ёки қўшни оромгоҳларга жамоа бўлиб саёҳатга чиқиш йўлга қўйилган. Бунда Шерали Эргашев, Ғофуржон Расулов, Муроджон Хафизов, Роҳила Бозорова, Насиба Фазлиддиновакаби мураббийлар бошқош бўлишади.

Болалар тарбияси, дам олиши, уларнинг баркамол ўсишига бу ерда катта аҳамият берилади.

Кун бўйи масза қилиб хордиқ чиқарган болалар кечки пайт куй, қўшиқ сеҳридан баҳраманд бўлишади. Албатта бунда уларнинг ёши ва қизиқиши ҳисобга олинади. Оромгоҳ бошлиғи Абдуфаттох Бозоров ҳамда бош етакчи Муҳаббат Темировалар эса ҳар бир гуруҳдаги болаларнинг белгиланган кунларда нималар билан банд бўлиши тўғрисида режалар тузади. Кўнгил очар тадбирлар бир-бирига боғлаб олиб борилади. Бунда Маънавият ва маърифат хонаси, кўчма кутубхона, услубий қўлланмалар ниҳоятда асқотмоқда.

С.АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири.

Оромиздаги одамлар

ЗАКОВАТ ВА МАҲОРАТ

Очерк

«Ватанга қайтиш керак!» Шерали шундай хулосага келганди. Профессор Виктор Саломонович Крилов эса уни Москвада қолиб ишлашга кўндиришга зўр бериб уринар, бу ердаги тиббиёт муассасаларида мавжуд имкониятларни қайта-қайта таъкидлар, Ўзбекистонда кўнгилдагидек ишлаш, изланиш учун шароит етарли эмаслигини таъкидларди. Аммо ёш шифокор Шерали Норқўзиевнинг фикри қатъий эди: Ватанга қайтиб, элга хизмат қилиш. У адашмаган эди, Ўзбекистонда тиббиётнинг янги микрожарроҳлик соҳасини ривожлантириш учун унга ўхшаган ёш, иқтидорли, фидойи мутахассислар жуда-жуда зарур эди. Бу вақтда юртимиз узра истиқлол насимлари эндигина эса бошлаган эди.

Шерали ўтмишини бот-бот эслайди... Болалиги Бахмалнинг тоғ этакларида ўтган Шерали ўрта мактабни олтин медал билан битириб, 1978 йилда Самарқанд тиббиёт институтига ўқишга кирди. Шифокорлик касбига иштиёқ унга бобосидан ўтган бўлса ажаб эмас. Норқўзи бобо табиблик илмидан хабардор бўлиб, имкон даражасида беморларни даволарди. Шералининг танлаган йўлини ҳам ўша вақтда фақат бобоси маъқуллаган эди.

Талабалик йилларида Самарқанд тиббиёт институтининг етук олимлари, Самарқанд жарроҳлик мактабининг зукко устозларидан сабоқ олди. Дарсдан бўш вақтларини кутубхоналарда, илмий лабораторияларда ўтказди. Жарроҳлик илмининг билимдонлари, профессорлар Рауф Амиров, Баҳодир Расулов, Баҳодир Собировларнинг назарига тушди. Ҳозир иш фаолиятини Бухорода давом эттираётган профессор Рауф Амиров катта умидлар билан Шерали Норқўзиевнинг қўлига илк бор жарроҳ тиғи (скальпел)ни тутқазиб, уни микрожарроҳлик соҳаси сари етаклаган эди. Профессор Баҳодир Собиров эса Шералини тадқиқотларга рағбатлантирди, илмий ишига бевосита раҳбарлик қилди. Институтни имтиёзли диплом билан тугаллаган ёш мутахассисга илм даргоҳида ишни давом эттириш тавсия этилди.

Самарқанд тиббиёт институтининг қон томирлари жарроҳлиги бўлимида уч йил ишлади. 1989 йилда Москвадаги бутуниттифоқ жарроҳлик марказининг микрожарроҳлик кафедраси аспиранти бўлди. Яна уч йил ўтиб Ш.Норқўзиев «Жигар циррозини микрохирургик даволаш» мавзусида илмий диссертацияни ёқлади.

— Москвада дунёга донғи кетган илмий марказларда ишни давом эттирсам бўларди. Бироқ, биласизми, ўшанда мен нимани ўйладим? Бизнинг одамларда баъзан изоҳлаб бўлмайдиган ғалати одат бор. Бу - бебаҳо бойлик соғликка эътиборсизликдир, — дейди Шерали ака Норқўзиев. — Шифокорлик касбини танлаганимдан буён одамларни кузатаман. Жароҳатларга парво қилишмайди. Жароҳат битса, оғриқ тўхтаса, даволанмай қўйишади. Оқибатда ногирон бўлиб қолишади. Ёки айрим туғма нуқсонларни бартараф этиш мумкинлигини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Тиббиётда бир тушунча бор: соғлом одамнингина ташқи қиёфаси гўзал бўлади. Саломатликка эътиборсизликнинг сабаблари бор. Шўро салтанатининг ҳукмронлиги даврида ҳамма яхши, илғор нарсалар марказда жамланди. Ҳатто, тиббиёт соҳасига доир ютуқлар ҳам. Чекка ўлкаларни ривожлантириш назардан орқада қолди. XX аср охирларида Ўзбекистонда тиббиёт тараққиёти бошқа мамлакатлардаги даражадан паст савияда бўлмаслиги керак эди. Бунинг учун имкониятлар бор эди. Ана шундай мулоҳазалар билан пировардида она юртга қайтдим.

Ватанга қайтиб, Самарқанд тиббиёт институтида ишни давом эттираркан Шерали олимлар билан ҳамкорликда ўнлаб илмий мақолалар, рисолалар ёзди. Буларнинг ҳаммаси касалликларни, жароҳат асоратларини микрожарроҳлик усулида даволашга бағишланди. Рус ва инглиз тилларида нашр қилинган бир қанча илмий хулосалари, микрожарроҳликка оид услубий тавсияларидан хорижлик шифокорлар ҳам тиббиёт амалиётида фойдаланишмоқда. Самарқандлик профессор Мавлуд Фахратов, москвалик олим Константин Абалмасов билан ҳамкорликдаги иш натижасида Ш.Норқўзиев даслабки кашфиётларни қилишга эришди. Микрожарроҳлик соҳасидаги ихтиролари учун Ш.Норқўзиевга жами еттита давлат патенти берилди.

Микрожарроҳлик тиббиётнинг энг ёш соҳаси ҳисобланади. Бу соҳадаги дастлабки қадамни 1961 йилда япониялик шифокор Комосито қўйган, у беморнинг узилган бош бармоғини микрожарроҳлик усулида улаган ва қўлни деярли асл ҳолига қайтарган эди.

Ўзбекистонда биринчи марта 1984 йилда профессор Мурод Юнусов Тошкентда микрожарроҳлик маркази очди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги 1987 йилда Самарқандда ҳам худи шундай марказ ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Лекин ҳали моддий асос ҳам, мутахассислар ҳам йўқ эди. Шу даврда бир қанча ёш мутахассислар, жумладан, Ш.Норқўзиев ҳам малака оширишга юборилди. Самарқанддаги микрожарроҳлик маркази амалда вазирлик буйруғи чиққандан сўнг уч йил ўтиб, вилоят 1-бирлашган шифохонаси таркибида ташкил этилди.

Ёш олим Шерали Норқўзиев ўзининг ғояларини рўёбга чиқариш учун имконият изларди. Самарқанд вилоят 1-бирлашган шифохонасига Хуршида Матлубованинг раҳбар бўлиб келишидан сўнг ана шундай муҳит пайдо бўлди. Ш.Норқўзиев шифохонанинг микрожарроҳлик бўлими мудирлигига таклиф этилди. Бу таклифни қабул қилиш асносида Ш.Норқўзиев қўйган талабларни, баён қилган режаларни янги бош ҳаким маъқуллади. Ишлар бошлаб юборилди. Бироқ муваффақиятларга осонликча эришиб бўлмади.

— Дастлабки муолажалар, операциялар яхши натижа берган бўлса-да, мурожаат қилувчилар жуда кам эди. Чунки одамлар бўлимда иш қайта ташкил этилганини, бу ердаги имкониятларни билишмасди, — дейди Ш.Норқўзиев. — Туманлар шифохоналари жарроҳлик бўлимлари орқали беморларни жалб қилдик. Чамаси олти ойлардан сўнг дардига даво истаб келувчилар сони кўпайди. Ўшанда вилоятда биринчи бўлиб пластик операцияларни амалга оширдик. Мураккаб микрожарроҳлик муолажаларига қўл урдик.

— Микрожарроҳлик усулининг умумий жарроҳликдан фарқли жиҳати нимада?

—Тиббиётнинг бу соҳаси олдига жароҳатланган қон томирлари, асаб толаларини даволаш, улаш, фаолиятини тиклаш вазифаси қўйилган. Бу осон иш эмас. Қон томирлари, асаб толаларининг ўлчами 0,5-1 мм. атрофида бўлади. Айримлари бундан ҳам ингичка. Уларни тикиш учун ўргимчак ипидай иплар, соч толасидай нозик игналардан фойдаланилади. Аксарият операциялар микроскоп остида бажарилади. Қолганини тасаввур қилиш қийин эмас. Шунинг учун микрожарроҳликни заргарликка ҳам қиёслашади.

— Инсон баданининг жароҳатланган аъзоларини тиклаш операцияларининг натижасидан қониқасизми?

— Техник авариялардан сўнг узилган ҳаракат аъзоларини улаш, даволаш, фаолиятини тиклаш уч босқичда амалга оширилади. Биринчи вазифа жароҳатланган қисмдаги ҳужайралар, тўқималарни тирик сақлаб қолишдир. Операциядан кейин фаолият 50-70 фоиз тикланади. Демак, ҳали кўп изланиш керак бўлади.

Рустам ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

(Давоми бор).

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

КОНСОРЦИУМ ТУЗИЛАДИ

Маълумки, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу мақсадда 8 август куни Украина президенти Леонид Кучма Москвага ташриф буюрди. У Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ҳамда ҳукумат аъзолари билан учрашиб, энергетика, газ саноати, нефт истиқболи тармоқларини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилади. Шу маънода газтранспорт тизилмасини бошқариш ва тараққий эттириш консорциумини тузиш муҳим ўрин тутади.

РЕЖА КЕЧИКТИРИЛДИ

АҚШ Ироққа бостириб киради-ми? Куни кеча президент Жорж Буш бу масалада шошмасликни, босиқлик билан иш кўришлигини маълум қилди. — Мен, — деди у, — дипломатик, халқаро тазйиқ, ана ундан сўнг ҳарбий ҳужум вариантларини чамалаб кўраман. Ана ундан кейин қатъий қарорга келишим мумкин. Шу орада Ироқ ташқи ишлар вазири Нажи Сабрий Би-би-си ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда БМТ тафтишчилари Ироққа ўз мамлакатига қўлланилган иқтисодий қамал чоралари бекор қилинсагина киритилиши мумкинлигини таъкидлади.

ДАМ ОЛИШ – УЙДА

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр оиласи ҳар йили Франциянинг энг сўлим ва диққатга сазовор жойларида дам олар эди. Афсуси, бу гал бош вазирнинг рафиқаси Шери Блэрнинг тоби қочиб қолди.Шу сабабдан ҳукумат раҳбари дам олишни бошқа сафарга қолдиришга қарор қилди. Т.Блэр Шерига 1980 йилда уйланган. Уларнинг 4 нафар фарзанди бор.

ЁШЛАР НАМОЙИШГА ЧИҚДИ

Индонезияда бундай воқеалар кам учрайди. Куни кеча ёшлар пойтахт Жакартада катта намойиш уюштирдилар. Бунинг сабаби бор эди. Чунки, бу мамлакатда президентни парламент сайлайди. Намойишга чиққан ёшлар эса Индонезия конституциясига ўзгартиш киритишни ҳамда президент сайловини умумхалқ жараёнига айлантиришни талаб қилдилар. Парламент ҳамда президент қандай қарорга келиши ҳозирча номаълум бўлиб турибди.

ТАНТАНА ПАЙТИДАГИ ФОЖЕА

Колумбия пойтахти Богота шаҳрида катта фожеа рўй берди. Президент саройи олдида уч марта портлаш амалга оширилди. Ушбу террорчилик жинояти президент Альваро Урибенинг инаугурация (амал курсисига ўтқазиш)сига йиғилган одамлар кўз олдида содир бўлди. Натижада 15 киши нобуд бўлди, улар орасида ёш болаларнинг борлиги кўпчиликнинг нафратини қўзғади.


ИСРОИЛ АВИАЦИЯСИ ҲУЖУМИ

Фаластиннинг Жеба аҳоли маскани куни кеча Исроил авиацияси ҳужумига учради. Бу ҳуружга мазкур жойда террорчиларнинг яшириниб ётганлиги тўғрисидаги гумон сабаб бўлди. Оқибатда икки киши бевақт ҳаётдан кўз юмди.

Эндиликда Фаластин делегацияси Вашингтонга бориш учун тараддуд кўрмоқда. Чунки бироз муддат илгари АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл ана шундай қарорга келган эди. Музокараларда Фаластин ҳукуматини ислоҳ қилиш масаласи кўриб чиқилиши лозим.

ЎҒРИЛАР ПРОКУРОРНИ ШИЛИШДИ

Руминиянинг Галац шаҳар прокурори Ион Попеску жиноятчиларнинг ашаддий душмани. Лекин буни қарангки,прокурор жонбозлик билан ўз вазифасини адо этиб юрган пайтда ўғрилар унинг уйига кириб, 25 миллион лейлик (1 минг АҚШ долларига тенг) Эрон гиламларини шилиб кетдилар. «Евениментул зилей» газетасининг бу хабари анчагина шов-шувга сабаб бўлди.



БОЛИВИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ПРЕЗИДЕНТИ

Лотин Америкасининг марказида жойлашган Боливияда президентлик сайлови ниҳоясига етди. Президентлик курсиси 72 яшар Гонсало Санчес де Лосадага насиб қилди. Миллий инқилобий ҳаракат раҳбари бўлмиш Г.Лосада бир неча йилдан буён мамлакат сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган сиёсатчилардан бири ҳисобланади. Шунинг учун аксарият сайловчилар унинг ғалаба қозонишига шубҳа қилмаганди. Гарчи, сайлов жараёнида номзодлар ўртасида баъзи келишмовчиликлар кўзга ташланган бўлса-да, кузатувчилар сайлов адолатли ва демократик тамойилларга мос ҳолда ўтганини таъкидламоқда.

Сайловнинг аввалги даврасида икки номзодгина кейинги босқичга чиқиш ҳуқуқини берадиган даражада овоз тўплашга муваффақ бўлганди. Ҳал қилувчи даврада Г.Лосаданинг рақиби сўл қанот партияси вакили Эво Моралес бўлди. Бироқ Э.Моралесга овоз берганларнинг аксарияти гиёҳвандлик моддаларини етиштирувчи деҳқонлар эди. Бу унинг сайловчилар орасида обрўсига зиён етказди, чамаси.

Умуман, Боливия тарихига назар ташланса, бу мамлакатнинг президентдан унчалик омади чопмаганини кузатиш мумкин. Масалан, аввалги президент Хорхе Кирога мамлакатни атига бир йилгина бошқарган, халос. Ундан олдин давлат раҳбари бўлган Уго Бансер эса саратон касаллигига чалиниб, муддатидан аввал курсини бўшатган.

Ҳозир Боливияда ўттизга яқин сиёсий партия фаолият юритади. Бироқ, сиёсий гуруҳлар сони қанчалик кўпайса, мамлакатда зиддиятлар ҳам шунга яраша бўлиши маълум. Боливияда ҳам партияларнинг мамлакат равнақи учун бир ёқадан бош чиқариб иш тутаётгани ҳозирча кузатилмаётир. Шунданми, давлат бошқарув тизимида бошбошдоқлик кўзга ташланади. Бунга президентларнинг қўнимсизлиги ҳам сабаб бўлаётганини айтиш жоиз.

Янги президентнинг ёши бир жойга бориб қолгани билан, ҳали анча тетик. Г.Лосада тажрибали сиёсатчи сифатида ҳам танилган. Чунки, у 1993-1997 йиллар оралиғида ҳам мамлакатни бошқарган эди. Кекса президент мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий тизимида ислоҳотлар қилишга аҳд қилган. Бунга эса асос етарли.

Мамлакат иқтисодиёти анчадан буён тушкунлик даврини бошдан кечирмоқда. Тўрт асосий вилоятга бўлинган Боливиянинг даромад манбаи кон саноатидан келади. Шунингдек, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати ҳам истиқболли соҳа ҳисобланади. Бироқ маҳаллий ҳукумат вакиллари ўртасида порахўрлик ва таниш-билишчилик иллати авж олгани туфайли ушбу сердаромад соҳаларни ривожлантиришнинг имкони бўлмаётир. Г.Лосада эса айнан шу муаммога барҳам бермоқчи.

Дарвоқе, янги президент ташқи сиёсатга ҳам кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Зеро, ҳозирги глобаллашув жараёнида мамлакатнинг иқтисодий қудратини халқаро ҳамкорликсиз ошириб бўлмаслиги маълум. Бу борада Г.Лосада АҚШ, Буюк Британия, Япония сингари жаҳоннинг ривожланган давлатлари билан алоқаларни кенгайтириш ниятида.

Уч юз йил Испания, сўнгра Перуга қарам бўлган Боливия халқи шу пайтгача ўнлаб йўлбошчи кўрди. Бир қарашда, Г.Лосада ҳам уларнинг бири, халос. Лекин, мамлакат халқи янги президентнинг бой сиёсий тажрибага эга эканини инобатга олиб, унга катта ишонч билдирмоқда.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА, ЎзА шарҳловчиси

ҲИКМАТЛАР

Хурофотга муккадан кетган одам энг оғир нафратга гирифтор.

АФЛОТУН.

Агар қайсидир бир динда бутун инсониятни ўз таълимотига бўйсундириш даъвоси туғилдими, у зулмга айланади.

Р.ТАГОР




ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Иқтидор

ОЛТИ ЁШЛИ АСКИЯЧИ

Байрамбек эндигина олти ёшга қадам қўйган. Бу йил мактабга боради. Бобоси Зоир ота Шерматов Жиззах шаҳар маданият ишлари бўлими мудири вазифасида ишлайди. Байрамбекнинг бошқа тенгдошларидан фаркли жихати шундаки, у зехнлилиги, сўзамоллиги, хозиржавоблиги билан одамлар эътиборини ўзига тезда жалб кила олди.



— Отам Очил ака жуда сўзамол инсон эдилар, - дейди Зоир ака набираси Байрамбек ҳақида фахрланиб сўзларкан. — Набирам ҳам у кишига тортган. Аскиячилик санъати вилоятимизда ҳали унчалик оммалашмаган бўлса-да, кўриктанловнинг вилоят босқичида биринчиликни олиб, республика мусобақасида қатнашадиган бўлдик.

Шу йилнинг май ойида Қўқон шаҳрида ўтказилган республика аскиячилари кўрик-танловида кичкина Байрамбек бобоси билан иштирок этиб, ёшлар ўртасида фахрли II ўринни қўлга киритди. Бу Жиззах аскиячилик санъатининг илк ғалабаси бўлди.

Байрамбек Зоиров бугунги кунда бобоси билан ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллик тантаналари ўтадиган катта саҳналарда янги чиқишлар билан одамларга байрам кайфияти улашишга шайланган.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЎХШАТДИМ

(пайров)

Байрамбек: Отажон, мен сизни ўхшатдим.
Бобо: Нимага ўхшатдингиз, Байрамбек?
Байрамбек: Асакада чиқадиган «Тико» автомашинасига.
Бобо: Машина бўлсам, нима қилардингиз?
Байрамбек: Беш литр бензин қуйиб, рўпарадаги бобойларни миндириб, Қўқон кўчаларида кечгача чоптирардим.

* * *

Бобо: Байрамбек, мен сизни ўхшатдим.
Байрамбек: Нимага ўхшатдингиз, отажон?
Бобо: Мен сизни хўрозга ўхшатдим.
Байрамбек: Хўроз бўлсам нима қилардингиз?
Бобо: Товуқларга қарасангиз, патингизни юлардим.

* * *

Байрамбек: Отажон, мен сизни ўхшатдим.
Бобо: Нимага ўхшатдингиз, ўғлим?
Байрамбек: Қўшнимизнинг товуғига ўхшатдим.
Бобо: Қўшнимизнинг товуғи бўлсам нима қилардингиз?
Байрамбек: Тагингизга уч дона тухум бостириб қўярдим. Қўқондаги аскиячилар кўрик-танлови тугагунча босиб ётардингиз.

Келинг, бир кулишайлик

НИМ ТАБАССУМ

Икки оғайни учрашиб қолишди. Бири гоҳ бошини, гоҳ қўлини қашиб гапни гапга қовуштирмади.

— Нима бу қилиқ, - деди бундан ранжиган шериги, - ҳаммомга тушиб турсанг бўлмайдими?

— Ҳар қишда бир тушаман. Лекин, кўриб турибсан, ҳеч нафи тегмаяпти.

* * *

Она қизидан сўради:

— Нега келган совчиларни қайтариб юбортирдинг?

— Совчи бўлиб келганлардан бирининг келини дугонам бўлади.

— Дугонанг бўлса нима қилибди. Қайтага яхши эмасми?

— Эҳ, ойи, сиз уни билмайсиз-да, бир гапга тушса кечгача гапиради. Нима, менинг унга қўшилиб шалтоқ келин, деган ном олишимни хоҳлайсизми!

* * *

Бир одам соғлигидан нолиб, шифокорга мурожаат қилди:

— Доктор, кейинги пайтларда кўз олдим хиралашиб, турган жойимда ўтириб қоляпман.

— Парво қилманг,- деди шифокор. — Бироз мадордан қолибсиз. Ёнғоқ-майиз еб туринг, қази-қарта бўлса яна ҳам яхши.

— Гап шундаки, - дебди яна бемор, - кофе ичсам ҳам қон босимим кўтарилиб, умуман ҳеч нарсани кўрмай қоламан.

— Унда, - деб жавоб қилибди шифокор, - авval қази-қарта еб, кетидан лимон чой ичинг.



Рассом Б.ТОЖИЕВ.

ЁҒОЧГА ЖОН БАҒИШЛАБ

Самаркандлик Ҳамроқул Ҳайдаров эл назарига тушган усталардан. Миллий мусиқа асбоблари ясаш мактабини ташкил этган бу қўли гул инсон қадимий миллий анъаналаримизни давом эттириш ва ёшларга ўргатишни ўз ҳаётининг мазмуни деб билади.

Саккиз йилдирки, ушбу санъат мактаби ҳунар ўрганишга қизиққан ёшларнинг севимли даргоҳига айланган. Унда меҳр билан ҳунар ўрганаётган ёш уста - Бобомурод, Дилмурод, Умар, Бобур, Дилшод ва Рустам Ҳамроқул акаларнинг ишончини қозонган шогирдларидир.



Санъат мактаби ҳунармандлари ясаётган бетакрор шарқона нақшлар уйғунлигидаги танбур, дутор, рубоб, уд, ғижжак каби мусиқа асбоблари бир неча бор танловларда юқори баҳо олган. Жумладан, Самарқандда ўтган вилоят «Ташаббус-2001» танловида уста Ҳамроқул Ҳайдаров энг яхши ҳунарманд номинацияси бўйича иккинчи ўринга сазовор бўлган.

— Президентимиз Ислом Каримов миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда, -дейди Ҳамроқул Ҳайдаров. -Бу эса бизни янада изланишга даъват этади. Асли касбим-ўқитувчи. Чолғу асбобларини ясашни тошкентлик уста Олим Азизовдан ўрганган эдим. Нафақага чиққунга қадар ўқувчиларга математика фанидан дарс бердим. Сўнгра ушбу ҳунарга қизиққан ёшларни йиғиб, уларга соз ясашни ўргата бошладим. Ҳаракатим зое кетмади. Мактабимиз усталари яратган мусиқа асбоблари кўпчиликка манзур бўлаётир.

Созларни маҳаллий хомашё-тут, жийда, ёнғоқ, ўрик, чинор, қайрағоч сингари дарахтлардан ясаймиз. Бу жуда қийин ва сирли жараёндир. Хомашёга дарров ишлов берилмайди. У икки-уч йил нам жойда сақланиб, сўнг авайлаб қуритилади. Масалан, танбур ясаш учун камида икки йил вақт кетади. Танбур косаси йўнилгандан сўнг меъёрида қуритилса, у тезда ёрилмайди, товуши жарангдор бўлади. Мактабимиз ҳунармандлари мусиқа асбобларининг ўн етти турини ясай олади.

Айни чоғда уста мамлакатимиз мустақиллигининг ўн бир йиллигига тўёна сифатида санъат мактабининг янги биносини ишга туширишни режалаштирган. Ҳозир бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Бино ишга тушгач, мактабнинг ёш ҳунармандлари янги қулайликлардан баҳраманд бўлади. Шунингдек, унда зардўзлик, попопчилик, тикувчилик цехлари ҳамда кўргазма зали фаолият кўрсата бошлайди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎзА мухбири.

САБЗАВОТЛИ ТОРТ

тўғралган тухумни устма-уст қилиб тахлайсиз. Ҳар бир масаллиқни тахлаётганингизда уларнинг орасига майда туз сепишни ва уларни ушбу тартибда тахлашни унутманг. Акс ҳолда, агар лавлаги тортнинг тепасида бўлса, солинган қаймоқ қизариб кетади. Энди эса қаймоқ ёки майонезни яхшилаб аралаштириб, тортнинг устига қуясиз ва қошиқ орқали тортнинг устини текислайсиз, аммо сира бу тортни аралаштирманг. Агар хоҳласангиз қаймоқнинг устига яна сир ёки қурутни қирғичда майдалаб сепишингиз ҳам мумкин.

Тайёр бўлган сабзавотли тортни кесиб алоҳида ликопчаларга солиб, истеъмол қилиш мумкин.

1 та ўрта катталикдаги қизил лавлаги, 2 та қизил сабзи, 2 та картошка, 2 та тухум, 100 гр. қаймоқ ёки майонез ва туз.

Сабзавотли тортни тайёрлаш учун аввал лавлаги, картошка ва тухумни туз солинган сувда пиширib оласиз. Уларни обдон совутасиз. Салат учун тайёрлаб қўйган ликопчангизга аввал қирғичдан ўтказган лавлагини, сўнг сабзини, картошкани, кейин эса майда сомонча шаклида

Шифокор маслаҳати

ХОЛЕСТЕРИНДАН САҚЛАНИНГ

Кейинги пайтларда озиқ-овқат махсулотлари ёрлиқлари, реклама ва эълонларда «холестеринсиз», «холестериндан тозаланган», «экологик тоза махсулот» каби жумлаларни тез-тез учратамиз. Хўш, холестерин ўзи нима, у қандай озиқ-овқат махсулотлари таркибида учрайди ва инсон организмида қандай ўзгаришларни келтириб чикаради?

Холестерин асосан тўйинган ёғлар таркибида бўладиган, қон томирларига ички томондан чўкиб, атеросклероз касаллигини келтириб чиқарадиган моддадир. Унинг қон томирлари деворига чўкиши натижасида томирлар каналининг торайиши рўй беради. Бу эса шу томирларнинг қон билан таъминлайдиган аъзо тўқималарига қон бориши камайиб, кислород етишмовчилиги (гипоксия) ҳолатига олиб келади. Мазкур жараён энг ривожланган пайтда тўқималарнинг ўлимига олиб келиши, оқибатда миокард инфаркти ёки мия инфаркти (ишемик инсульт)ни келтириб чиқариши мумкин. Ташвишланарлиси, охирги 15-20 йил ичида кишилар овқатланиш тарзини нотўғри ташкил қилишлари, яъни таркибида холестерин моддаси кўп бўлган юқори калорияли (қувватли) озиқ-овқат маҳсулотларини кўп истеъмол қилишлари натижасида атеросклероз касаллиги ҳаттоки, 25-30 ёшлиларда ҳам учрай бошлади. Дарвоқе, юқоридаги ҳолат юрак-қон томир тизими касалликларининг кўпайишига ҳам олиб келмоқда.

Бу касалликларнинг олдини олиш учун аввало таркибида холестерин моддаси кўп бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини кам истеъмол қилиш зарур. Бундай маҳсулотларга ҳайвон ёғлари, жигар, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, пишлоқ, сариғ ёғ, сузма (творог) ва балиқ икраси киради. Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, таркибида яширин ёғ сақловчи озиқ-овқат маҳсулотлари — сут, ёғли қатиқ, ҳар хил гўштли консервалар, торт ва пирожное кабиларни меъёрдан ортиқ истеъмол қилиш ҳам организмга кўп холестерин кириши ва семиришга олиб келади. Семиз кишиларда эса юрак катта қувват сарфлаб ишлайди. Дарвоқе, кўп овқатланиш билан киши организмига кўп натрий тузи ҳам киради. Натижада қон босими кўтарилиб, холестерин тузлари қон томирлари деворига чўкиши тезлашади. Холестерин тузларини кўпайтирувчи омиллардан яна бири, бу никотин таъсирида томирлар деворининг ички томондан шикастланишидир. Бундай жойларга холестерин тузлари тез ва кўп чўкади.

Хўш, организмга холестерин киришини камайтириш ва атеросклероз касаллигининг олдини олиш мумкинми? Бунинг учун қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

— таркибида холестерин кўп бўлган ва яширин ёғ сақловчи маҳсулотларни кам истеъмол қилиш;

— жисмоний меҳнат, спорт билан мунтазам шуғулланиш (Бу организмда ортиқча қувват, яъни ёғ тўпланишининг олдини олади);

— қон томирлар деворини бузувчи никотин таъсиридан қутилиш;

— овқат билан доимо хом карамдан тайёрланган салат истеъмол қилиш (Хом карам ёки карам соки таркибидаги С витамини қон томирлар деворини мустаҳкамлайди, клетчатканинг кўплиги қондаги холестерин миқдорини камайтиради);

— таркибида кофеин бўлган ичимликларни кўп истеъмол қилмаслик;

— овқатланишдан кейин имкон борича ўрик шарбати истеъмол қилиш (Ўрик таркибидаги С витамини қон томирлар деворини мустаҳкамлайди, тартарон кислота ёғларнинг ёнишини кучайтириб, холестерин миқдорини камайтиради. Ўрик шарбатини доимий истеъмол қилган кишилар семириш дардига мубтало бўлмайди.);

— овқат тайёрлашда фақат ўсимлик мойларини ишлатиш.

Мазали, серёғ, сергўшт овқатларни истеъмол қилишни кўпчилигимиз хуш кўрамиз. Аммо калорияли овқат истеъмол қилиш билан бирга, кўпроқ ишлашни ҳам унутмаслигимиз керак. Шундагина танимиз соғ, руҳимиз енгил, умримиз узоқ бўлади.

Раҳматилло БЕКТОШЕВ,
олий тоифали шифокор.

АЖАБТОВУР ЛУҒАТ

Катта луғатлар таркибидан қанча сўзни ўз ичига олади? Чунончи, немисча-русча луғатлар 60 мингтадан иборат сўзлар жамланмасини ўз ичига олган эди. Инглизча-русча техника луғатида бундан ҳам кўпроқ, яъни 80 минг сўзнинг изоҳи ва таржимаси баён қилинган.

Америкада босилиб чиққан русча-инглизча луғат эса сўзларга бой. Бу луғат 600 минг сўзликдан ташкил топган. Луғатга киритилган сўзларнинг фақат оддий таржимаси берилмай, балки ҳар бир сўзнинг кўплик ва бирлик шакллари, келишикларда, замон категорияларида турланиши, шунингдек, баъзи бир идеоматик бириқмаларда ишлатилиши ва ҳоказолари алоҳида-алоҳида қилиб берилган. Хуллас, у замонга мос бўлган ажабтовур луғат. Унинг ғалатилиги шундаки, китобда бетлар йўқ. Ҳа, нашрга умуман қоғоз ишлатилмаган.

Луғат махсус панеллардан иборат бўлиб, уларга электр заряди билан рақамлар акс эттирилган. Бу рақамлар сўз маъносини билдиради.

Зеро, луғатдан одамлар эмас, балки электрон ҳисоб машиналари фойдаланадилар. Бошқача қилиб айтганда, сўзлар машина воситасида таржима қилинади.

Бу машиналар ёрдамида бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишни амалга оширишда қўйилган дастлабки қадамлардир.

А.АЛИЕВ.

Газетхон илтимосига кўра

ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИНИНГ ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

20/21 август (сешанба/чоршанба)
7/8 сентябр (сешанба/чоршанба)

ОСИЁ СУПЕРКУБОГИ

13/14 август (сешанба/чоршанба)
1-босқич. Дастлабки учрашувлар
27/28 август (сешанба/чоршанба)
1-босқич. Жавоб учрашувлари

10/11 сентябр (сешанба/чоршанба)
2-босқич. Дастлабки учрашувлар
24/25 сентябр (сешанба-чоршанба)
2-босқич. Жавоб учрашувлари

8/9 октябр (сешанба/чоршанба)
3-босқич. Дастлабки учрашувлар
22/23 октябр (сешанба/чоршанба)
3-босқич. Жавоб учрашувлари

12/13 ноябр (сешанба/чоршанба)
4-босқич. Дастлабки учрашувлар
26/27 ноябр (сешанба/чоршанба)
4-босқич. Жавоб учрашувлари

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ—2003 ГУРУҲ БАҲСЛАРИ

1-ТУР: 25 сентябр (чоршанба)
2-ТУР: 29 сентябр (якшанба)
3-ТУР: 5 октябр (шанба)
4-ТУР: 9 октябр (чоршанба)
5-ТУР: 16 октябр (чоршанба)
6 ноябр (чоршанба)
1/8 финал. Дастлабки учрашувлар
20 ноябр (чоршанба)
1/8 финал. Жавоб учрашувлари

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «Бунёдкор» ёшлар телеклубида мактаб ўқувчиларининг шахмат-шашка бўйича республика мусобақалари финал босқичи якунланди.

Қизғин ва кўтаринки руҳда ўтган мусобақаларда мамлакатимиздаги тўрт мингдан ортиқ маҳалладан уч юз минг нафардан кўпроқ йигит-қиз иштирок этди. Якуний беллашувда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичида ғолибликни қўлга киритган етмиш нафар ўқувчи қатнашди.

Шахмат бўйича ўғил болалар ўртасида фарғоналик Лазиз Юнусов, қизлар баҳсида Феруза Сирожова биринчи ўринни эгаллади. Шашка мусобақаларида эса самарқандлик Зокир Субҳонқулов ҳамда сирдарёлик Замира Ортиқовага тенг келадигани топилмади.

(ЎзА).

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Миргиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: **133; 134**
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 719. 1 2 3 4 5 6